

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ ЖОНИБЕК ТУРДИҚУЛОВИЧ

**ТАҚСИМЛАНГАН КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИДА ТЕМИР ЙЎЛ
ЮКЛАРИ НАЗОРАТИНИНГ АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик
ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Усмонов Жонибек Турдикулович

Тақсимланган компьютер тармоқларида темир йўл юклари назоратининг
ахборот алмашинуви алгоритмлари ва дастурий мажмуаси. 3

Усмонов Жонибек Турдикулович

Алгоритмы и программные комплексы обмена информации контроля
железнодорожных грузов в распределенных компьютерных сетях. 21

Usmonov Jonibek Turdiqulovich

Algorithms and software complex for information flow control of railway cargo
in distributed computer networks. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ ЖОНИБЕК ТУРДИҚУЛОВИЧ

**ТАҚСИМЛАНГАН КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИДА ТЕМИР ЙЎЛ
ЮКЛАРИ НАЗОРАТИНИНГ АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик
ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Т448 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Рахматуллаев Марат Алимович техника фанлари доктори, профессор Ҳакимов Муфтоҳ Хамидович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 й. «___» _____ да соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.Тел.:(99871)238-64-43, факс: (99871)238-65-52, e-mail:tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.Тел.:(99871)238-65-44.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Х.Н.Зайнидинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусиниг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот - коммуникация технологиялари ёрдамида темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш жараёнида божхона назоратини ташкил этиш, электрон усулда юк хатлари ва декларация ҳужжатларини расмийлаштириш, компьютер тармоқлари ва тизимлари орқали масофадан назорат пунктларига тақдим этишнинг автоматлаштирилган усуллари ва ҳужжатлар маълумотларини таҳлил қилиш жараёнларини бошқариш тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Жаҳон темир йўллар ассоциацияси маълумотиغا кўра, дунёда темир йўллар орқали ташилган юклар миқдори 2015 йилда 884,4 млрд. тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 991,9 млрд. тоннага етган, яъни 12,2 %га ошган».¹ Бу йўналишда ривожланган мамлакатларда, жумладан Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа давлатларда ташқи савдо айланмаси устидан самарали божхона юк назоратини ташкил этиш, божхона юклари назоратини амалга оширишда декларация ҳужжатларини масофадан онлайн расмийлаштириш ва божхона постларига тақдим этишни автоматлаштириш усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда божхона юк декларацияларини онлайн, масофадан расмийлаштириш, юклар устидан олиб бориладиган кўп босқичли божхона назорати жараёнларини математик моделини ишлаб чиқиш, кўп поғонали маълумотлар базасини яратиш ва божхона назорати жараёнларини автоматлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада темир йўл тизими божхона юк декларациясини расмийлаштириш ва назорат маълумотлар таҳлилидан фойдаланиб божхона хатарларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш, юк назорати жараёнлари ахборот моделини ва темир йўл юклари божхона назорати маълумотларига ишлов беришнинг функционал моделини яратиш, назорат жараёнларини бошқариш усулини ишлаб чиқишни илмий асослаш зарур бўлмоқда.

Республикамизда божхона юк декларацияларини расмийлаштириш, масофадан қисқа муддат ичида божхона юк назоратига тақдим этиш, маълумотларга ишлов беришнинг кўп поғонали тақсимланган дастурий мажмуасини яратиш жараёнларини моделлаштириш усуллари ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, божхона органларининг юклар назоратини автоматлаштиришда

¹ <https://uic.org/statistics>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

ахборот коммуникация технологиялари тузилмаси, кўпсатҳли тақсимланган божхона назорати маълумотларига ишлов беришнинг функционал ва ахборот моделини, ахборот оқимини бошқариш усулларини такомиллаштиришга мўлжалланган ихтисослашган математик таъминот ва дастурлар мажмуасини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир йўлда ташилувчи юкларни декларация ҳужжатларини электрон тарзда расмийлаштириш ва божхона органларига тақдим этиш жараёнларини бошқаришнинг кўп поғонали тақсимланган дастурий мажмуасини яратиш усулларини тадқиқ этишга доир бир қатор илмий ва амалий натижалар олинган. Жумладан хорижий олимлардан Х.Ронг, Т.Яо-Ҳуа, Х.Франк, А.Стефан, Т.Чристофер, Т.Ашутош, С.Андрев, Б.Кевин, К.Селина, А.Флисч, П.Афонин, П.Пашко, И.Сальников, Ю.Мальшенко, П.Писна, В.Шавшина, К.Сизова, Р.Кисс, Е.Никитина, И.Арлюкова, Е.Кановска, С.Гамидуллаев, П.Копанева, Е.Цветкова, А.Ершов ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Ўзбекистонда божхона органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича С.Арипов, С.Ғуломов, А.Саидов ва бошқа олимлар темир йўл юклари божхона назорати жараёнларини моделлаштириш, оптималлаштириш ва автоматлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса қўшганлар.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологиялари ва компьютер тизимлари ёрдамида темир йўлларда ташилувчи юкларнинг божхона назорати учун тақдим этиладиган юк ҳужжатларини масофадан электрон усулда расмийлаштириш ва уларга ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва божхона назорати тизимлари ўртасидаги интеграция муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А5-025 – «Иқтисодийни модернизация қилишда интернет маркетинг тадқиқоти логистик бошқарув тизимининг тадбиқи» (2015-2017), И-2015-4-8–«Ахборот коммуникацион технологиялари тизимида юқори технологик виртуал ОС GNU операцион тизимини жорий этиш» (2015-2017), ҳамда И-2017-4-4–«Ахборот тизимларида маълумотларга интеллектуал ишлов бериш ва ишлаш моделларини яратиш ва жорий этиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тақсимланган компьютер тармоқларида темир йўл юклари устидан божхона назоратини ўрнатиш бўйича ахборот алмашинуви жараёнларини такомиллаштириш усуллари, алгоритмлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл юкларнинг божхона назорати инфратузилмасида ахборот алмашиш ва маълумотларга ишлов бериш жараёнларининг ахборот ва функционал моделларини ишлаб чиқиш;

божхона назоратининг кўп поғонали тақсимланган ахборот алмашиш тизимидаги ахборот оқимини мувофиқлаштириш алгоритмлари ва ҳудудий божхона объектларида юклар ҳаракатининг маълумотлар базасини яратиш;

божхона юк декларация ҳужжатларини масофадан онлайн расмийлаштириш орқали божхона постларини юклар тўғрисида олдиндан хабардор этиш усуллари ишлаб чиқиш;

темир йўлларда ташилувчи юклар божхона назорати маълумотлар базасини яратиш, юк ҳужжатларини масофадан расмийлаштириш технологик жараёнларини такомиллаштириш алгоритмлари ва дастурий мажмуасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темир йўл божхона постлари божхона назорати юк декларация ҳужжатларини расмийлаштириш технологик жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети божхона постларида божхона назорати юк ҳужжатларини расмийлаштирувнинг кўп поғонали тақсимланган компьютер тармоғида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун хизмат қиладиган автоматлаштирилган тизим яратиш усул, модел, алгоритм ва дастурий мажмуаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида оптималлаштириш, башоратлаш ва факторли таҳлил усуллари, ахборот ва математик моделлаштириш, маълумотларга ишлов бериш усуллари, технологик жараёнлар ва классификациялаш усуллари, математик статистика, қарор қабул қилиш ва бошқарув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

темир йўл юклари устидан божхона назоратини ташкил этиш тамойиллари ва технологик жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари асосида божхона инфратузилмасида ахборот алмашиш ва маълумотларга ишлов бериш жараёнларининг ахборот ва функционал моделлари ишлаб чиқилган;

божхона назоратининг кўп поғонали тақсимланган ахборот алмашинуви тизимида ахборот оқимини мувофиқлаштириш алгоритмлари, ҳудудий божхона объектларида темир йўл юклари ҳаракатининг маълумотлар базаси яратилган;

божхона юк декларация ҳужжатларини масофадан онлайн расмийлаштириш орқали божхона постларини темир йўл юклари тўғрисида олдиндан хабардор этиш усули ишлаб чиқилган;

темир йўлларда ташилувчи юклар устидан божхона назоратини ташкил этиш бўйича маълумотлар базаси, божхона юк декларация ҳужжатларини масофадан расмийлаштириш технологик жараёнларини автоматлаштириш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

темир йўл юкларини электрон декларациялашда мантиқий назорат қилиш ва бир нечта тизимлар интеграциясини таъминлашни дастурий-алгоритмик қўллаб-қувватлашга мўлжалланган «ЭБЮД+ИНВОЙС» дастурий воситаси яратилган;

темир йўлда ташилувчи юкларни декларациялаш жараёнини самарали ташкил этишда тақсимланган ва марказлашган маълумотлар базаси яратилган;

ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган юк тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш жараёнларини автоматлаштириш, темир йўл юкларини масофадан компьютер тармоқлари орқали расмийлаштириш ва назорат қилишнинг математик моделлари ва дастурий мажмуаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги услубий жиҳатдан асосланган амалий ҳисоб-китоблар, кўп поғонали таҳлилий тизимларни қуришнинг назарий асосланган концепцияларининг қўлланилиши, автоматик таҳлил назариясининг синалган усуллари ва алгоритмларнинг ишлатилиши, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги ҳисоблаш экспериментлари натижаларини умумқабул қилинган мезонлар асосида айнан берилганлар билан қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бевосита темир йўл юкларига дахлдор бўлган божхона органлари фаолияти таҳлили ва назорат тизимида айланадиган маълумотларга ишлов бериш жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш, ҳамда товарларни назорат қилиш, рўйхатга олиш ва декларация ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини автоматлаштириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрон божхона расмийлаштируви жараёнларида ахборот оқимини мувофиқлаштириш ва темир йўл божхона постларини мониторинги маълумотларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимлари ва темир йўл юклари божхона

назорати жараёнларининг дастурий мажмуасини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Темир йўл божхона юкларининг назорати жараёнларини моделлаштириш, мониторинг маълумотларига ишлов бериш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида яратилган усул, математик модел, алгоритм ва дастурий мажмуа асосида:

темир йўлларда ташилувчи экспорт ва импорт юкларининг божхона назорати ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини автоматлаштиришнинг математик моделлари, темир йўл ва божхона юк декларацияси тизимлари маълумотлар базасини мувофиқлаштириш дастурий воситаси «Тошкент юк саройи» божхона постига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 22 февралдаги 33-8/1293-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 1 майдаги 03-05/6-03689-сон маълумотномалари). Илмий тадқиқот натижасида темир йўл юкларини декларациялаш жараёнини самарали ташкил этиш божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ва божхона органларига тақдим этишга сарфланаётган вақт миқдорини 25-30 %га қисқариш ва меҳнат самарадорлигини 1,27 баравар ошириш имконини берган;

божхона юк декларациялари ахборот моделлари, темир йўлларда ташилувчи юкларнинг маълумотлар базаси, темир йўл ва божхона маълумотлар базасини мувофиқлаштириш асосида электрон божхона юк декларациясини тақдим этувчи дастурий мажмуа «Қарши темир йўл» божхона постига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 22 февралдаги 33-8/1293-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида темир йўл божхона пости фаолиятида фойдаланиш электрон божхона назорати ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнлари, ахборот ресурслари оқими ва ташқи савдо операцияларини таҳлил қилиш жараёнида тезкор қарорлар қабул қилишни самарали ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона юк декларацияларини расмийлаштиришга кетадиган вақт сарфини 35-40% қисқартириш имконини берган;

темир йўлларда ташилувчи юкларнинг божхона назоратида юк декларациялари ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини автоматлаштириш усуллари ва ахборот моделлари, масофадан юк маълумотларига ишлов бериш алгоритмлари ва темир йўлларда ташилувчи экспорт ва импорт юкларининг божхона назорати декларация ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштирилган маълумотлар базаси ва дастурий воситаси «Чуқурсой» ташқи иқтисодий фаолият божхона постига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 22 февралдаги 33-8/1293-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 1 майдаги 03-05/6-03689-сон маълумотномалари). Илмий тадқиқот натижасида электрон божхона назорати ҳужжатларини

расмийлаштириш жараёнлари, ахборот ресурслари оқими ва бошқарув тизими фаолиятини мувофиқлаштириш, ташқи савдо операцияларини таҳлил қилиш жараёнида қарорлар қабул қилишни самарали вариантларини танлаш, божхона юк декларацияларини брокерларга мурожаат қилмасдан расмийлаштириш натижасида бир иш кунини 0,8 иш кунига қисқартириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш самарадорлигини 1,27 бараварга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 7 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 9 та мақола, 1 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши рўйхати, ишни синаш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Темир йўл юкларининг божхона назорати тизимини таҳлили**» деб номланган биринчи бобида автоматлаштириш объекти сифатидаги асосий темир йўл юкларини божхона жараёнларининг таҳлили, темир йўл юклари божхона назорати компьютер тизимининг ҳозирги ҳолати, божхона назорати тармоқланган компьютер тизими маълумотларига ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари ва темир йўл юкларининг автоматлаштирилган божхона назорати тизимини такомиллаштириш усуллари ва стратегиясига бағишланган. Темир йўл юклари билан фаолият юритаётган божхона постларининг таркибий тузилмаси ва функционал вазифалари ўрганиб чиқилган. Давлат божхона кўмитаси марказий аппарат, ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постларининг ўзаро ахборот алмашув тизими ва боғланиши кўриб чиқилиб,

объектнинг таркибий тузилмалари ўртасидаги кўп поғонали ахборот оқимлари ўрганилган. Бундан ташқари, божхона органларини автоматлаштиришнинг усуллари тадқиқот қилишнинг асосий мезонлари ва талаблари ишлаб чиқилган.

Ахборот–коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этилган автоматлаштирилган назорат тизими самарали транспорт хизматини кўрсатиш, иш ишончилиги, стратегик ва тактик масалалар келишувида ифодаланган бир қатор мезонларни ҳисобга олган ҳолда транспорт – юк ташиш тизимларини мувофиқлаштириш, такомиллаштириш, оптималлаштириш ва интеграциялашга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, тadbиркорлик фаолиятини нормал амалга ошириш учун ягона божхона – транспорт инфратузилмасини ташкил этиш, божхона транспорт комплексининг инфратузилмаси ҳамда унинг алоҳида элементлари билан чамбарчас боғлаш зарурати мавжуд.

Замонавий ахборот технологиялари иқтисодий ва божхона операцияларининг барча босқичларида қўлланилади. Ҳозирги вақтда ўзининг бошқарув фаолиятида маълумотлар базаларидан фойдаланиладиган кўпгина йирик ташкилотлар керакли ахборотни излаш вақтини қисқартирмоқда.

Маълумотлар базасини яратишнинг асосий тамойиларидан бири бўлган ахборот тизими асосида мутахассисларга ахборот хизматини кўрсатадиган модел тузиш зарур.

Божхона органлари ва темир йўл юк ташиш компанияси томонидан ўз вазифаларни ташкилий ва техник тadbирлар ўтказиш сарф-харажатлар билан таққослаганда бажариш самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлари мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, юкларни ташишда транспорт турини танлашда муҳим омиллар – бу етказиб бериш вақти, юк ташиш нархи ва ҳажмидир. Шунингдек, юкни жўнатиш даврийлиги, етказиб бериш жадвалига амал қилиш имконияти, географик омил ва мультимодал юк ташишлар жараёнида иштирок этиш имконияти каби иккинчи даражали омиллар ҳам мавжуд.

Божхона назорати тизими тузилмаси тизимнинг статик таснифи ҳисобланади. У элементларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда тизим тузилишини белгилайди.


Ташқи муҳит – тизимга таъсир кўрсатувчи, лекин унинг таркибида бўлмаган вақт ва маконда (ТИФ, ТСФ, божхона тартиби) мавжуд бўлган бир қатор объектлар тўплами.

Божхона назорати тизими ҳолати – унинг элементлари ва улар орасидаги алоқалар ҳолати бирикмаси:

$$Z = (Z_1, Z_2, \dots, Z_k, \dots, Z_n).$$

Z тизимининг рухсат этилган ҳолати - Z_i ҳолатларнинг мумкин бўлган бирон соҳа ости кўрсаткичи.

Божхона назорати тизимининг $X(t)$ кириши – бу ташқи муҳитнинг тизимга турли нуқталари таъсири ҳисобланади (1 расм).



1 расм. Божхона назоратининг асосий факторларининг тасвири

$$X(t) = \{c(t), r(t), v(t)\},$$

бу ерда: $c(t)$ - ҳужжатлар, боғхона назорати объектлари (товарлар, транспорт воситалари, шахслар), хабарлар ва х.к. кириш оқимлари;

$r(t)$ - таъсир ўтказишни таъминлаш (ахборот, кадр, молиявий ва бошқа ресурслар);


$v(t)$ - мақсадга эришиш йўлидаги тўсқинликлар (инкорлар ва бошқалар).

Ушбу таъсирлар остида боғхона назорати тизими $Z(t)$ ни белгиланган мақсадга эришиш ҳаракатини амалга оширади ва $Y(t)$ тизими чиқувчи натижалари векторини шакллантиради.

Боғхона назорати тизимининг $Y(t)$ чиқиши – бу тизимнинг ташқи муҳитга турли нуқталари (ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалар ва шахслар) таъсири ҳисобланади.


Темир йўл транспорти орқали ташиладиган юкларни назоратини амалга оширишда боғхона инспектори декларантдан электрон декларацияни олгач, боғхона юк декларация (БЮД) да келтирилган маълумотларни текширади ва товарни чиқариш ёки боғхона назоратининг қўшимча чораларини қўллаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

Диссертациянинг иккинчи «**Темир йўл юкларининг боғхона назорати тамойиллари ва ахборот моделлари**» бобида кўпсатҳли тақсимланган компьютер тармоқларида ахборот алмашиш тизимини шакллантириш тамойиллари, темир йўл юклари боғхона назорати жараёнлари параметрларини классификациялаш ва боғхона назорати технологик жараёнларини электрон кузатув алгоритминини ишлаб чиқиш вазифасини формаллаштирилган кўринишда қўйиш баён қилинган. Боғхона технологиялари ахборот моделларини куриш усуллари, хусусан автоматлаштириш объекти сифатида боғхона постлари вазифаларидан келиб чиқиб маълумотларга ишлов беришнинг функционал моделини куриш услугиёти тадқиқот қилинган. Боғхона назорати технологик жараёнларини электрон кузатув алгоритми жараёнларнинг кетма-кетлиги бир қатор омилларга боғлиқ равишда ўрнатилади (2 расм).



2 расм. Темир йўл импорт ва экспорт юklarининг божхона жараёнларини амалга ошириш алгоритми

Моделлаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики, чиқувчи маълумот ва дастлабки маълумот хатолиги орқали оптималлаш усулининг чегараланган хатолиги аниқланиши мумкин. Бундай ёндашув қидирув вариантлари сонини қисқартиришга ва ўз навбатида божхона назорати жараёнлари моделларини назарий амалга ошириш самарадорлигини оширишга имкон беради (3 расм).



3 расм. Божхона назорати моделини яратиш босқичлари алгоритми

Диссертациянинг учинчи «Тармоқланган божхона юклари назорати тизимининг математик ва алгоритмик таъминоти» бобида темир йўлларда ташилувчи юкларни декларациялаш жараёнида божхона хатарларини математик моделини ишлаб чиқиш, божхона юк декларацияларини расмийлаштириш жараёнлари ва уларни таҳлил қилишда маълумотларни сифатли ва қисқа вақт орлағида узатиш ахборот оқими моделлари баён қилинган. Шу билан бир қаторда темир йўл божхона

постларида юклар ҳаракати маълумотлар базасининг математик модели ишлаб чиқилган.

Юкларни автоматлаштирилган божхона назорати тизимларида ахборот оқимларини логистика жараёнларини оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилиш учун тизимни (N) коммуникация тугунлари ва (M) алоқа линияларидан ташкил топган деб таърифлаш мумкин. Юкларни автоматлаштирилган божхона назорати тизимларида ахборот оқимларини оптимал тақсимлаш модели узатилаётган хабарларнинг кечикиш вақти (T) ни минималлаштиришни таъминлаш мақсадида қурилади. Бунда, қуйидагиларни инобатга олиш лозим: барча алоқа линиялари мутлақо ишончли; барча алоқа линиялари мустаҳкам; коммутация тугунлари чексиз хотирага эга; коммутация тугунларида қайта ишлаш вақти мавжуд эмас; барча хабарларнинг узунлиги мустақил ва ўртача қиймати $1/\mu$ байт кўрсаткичли қонунга мувофиқ тақсимланади; автоматлаштирилган божхона назорати тизимига кирувчи трафик i тугунида пайдо бўлган ва j тугуни учун мўлжалланган хабарлар учун бир хил устунликка эга γ_{ij} ўртача қийматли пуассон оқимини ҳосил қилувчи хабарлардан ташкил топган; юкларни автоматлаштирилган божхона назорати тизимининг трафиғи қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\gamma = \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N \gamma_{ij},$$

бу ерда γ_{ij} - тўлиқ ташқи трафик; ҳар бир алоқа линияси ўтказувчанлик хусусияти d_{kl} байт/с га тенг дуплекс алоқа каналдан ташкил топган, бу ерда d_{kl} байт/с - k ва l тугунлари орасидаги алоқа. Агар k ва l тугунлари орасидаги алоқа линияси мавжуд бўлмаса, у ҳолда $d_{kl} = 0$.

Шундан сўнг, $x_{kl}^{(i,j)}$ орқали (k,l) линиясидан ўтаётган маълумот оқими улуши γ_{kl} белгиланади:

$$0 \leq x_{kl}^{(i,j)} \leq 1$$

Бу чекловлар остида қуйидаги ифодани осонгина аниқлаш мумкин

$$\lambda_{kl} = \gamma \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N \gamma_{kl} x_{kl}^{(i,j)},$$

бу ерда $\lambda_{kl} - \gamma_{kl}$ логистика билан келишиб олинган (k,l) линиясидаги ахборот оқими қиймати.

Автоматлаштирилган божхона назорати тизимида $x_{kl}^{(i,j)}$ ўзгарувчилар учун сақлаш шarti бажарилиши керак, бу қуйидаги тарзда ифодаланади:

$$\sum_{i=1}^N x_{kl}^{(i,j)} - \sum_{j=1}^N x_{kl}^{(i,j)} = \begin{cases} -1, & l = i, \\ 0, & l \neq i, j, \\ 1, & l = j. \end{cases}$$

Кечикишлар вақти z_{ij} орқали i тугунида юзага келган ва j тугунига мўлжалланган хабарни узатишга кетадиган ўртача вақтни аниқлаш мушкул

эмас. Икки томонлама кечикишлар z_{ij} йиғиндиси сифатида аниқланадиган T юкларни божхона назорати тизимидаги хабарларнинг ўртача кечикиши, автоматлаштирилган тизим ишлаш сифатининг муҳим хусусияти ҳисобланади:

$$T = \frac{1}{\gamma} \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N \gamma_{ij} z_{ij} .$$

Қабул қилинган тахмин ва таърифлар T катталигининг оптимал қийматини таъминлаб берувчи $x_{kl}^{(i,j)}$ ўзгарувчилар қийматини топиш вазибаларини шакллантириш имконини беради.

Диярли барча юкларнинг божхона назорати автоматлаштирилган тизимида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- 1) юкларни божхона назорати автоматлаштирилган тизимининг топологик тузилмаси;
- 2) кировчи ахборот оқимларининг логистика матрицаси $\|\gamma_{ij}\|$;
- 3) алоқа линияларининг ўтказувчанлик хусусиятлари $\|d_{kl}\|$;
- 4) хабарнинг ўртача узунлиги $1/\mu$.

Ҳосил бўлган ифода ўртача кечикиш мезони бўйича юкларни автоматлаштирилган божхона назорати тизимида оптимал оқимлар ва оптимал логистикани аниқлаш ифодаси ҳисобланади.


Ташқи савдо юкларининг аксарият қисми темир йўл транспорти орқали амалга ошириладиганлигини инобатга олган ҳолда, темир йўл транспортида ташиладиган юклар устидан самарали божхона назоратини амалга ошириш долзарб масалалардан биридир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Давлат божхона қўмитаси (ДБК) ташқи савдо юкларини ўз вақтида етказиб беришни назорат қилувчи темир йўлларда ташилувчи юкларни божхона назорати дастурий мажмуасини такомиллаштириш назарда тутилган.

Шу масалаларни ҳал этишда темир йўлда ташилувчи юклар учун божхона назоратини автоматлаштирилган ахборот тизими маълумотлар базасини даталогик модели ишлаб чиқилган. Автоматлаштирилган тизимда бир нечта объект (жадвал)лар мавжуд бўлиб асосийлари акс эттирилган (4 расм).

Темир йўлда ташилувчи юклар учун божхона назоратини автоматлаштиришда ва маълумотлар базасини ҳимоялашда уни оптимал тузилмага келтириш, ахборотларни тўғри тақсимлаш ва қидирувни қисқа вақт оралиғида амалга ошириш долзарб омилардан бири ҳисобланади. Ҳар бир давлат идоралари автоматлаштирилган ахборот тизимлари маълумотлар базаси билан узвий боғлиқ бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун эса маълумот базасини бошқариш тизими автоматлаштирилган ахборот тизими ҳолатидан келиб чиқиб танланиши лозим.

Темир йўл транспортида товарни етказиб бериш тезлигига қуйидагилар таъсир қилади: юклаш-тушириш ишларининг механизацияси; ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишсиз қолиб кетиш ҳолатларини бартараф қилиш; барча юбориш пунктларда юбориш муддатларни мувофиқлаштириш;

белгиланган назорат муддатларда юк партияларни етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда маълум вақтда темир йўл транспортини юбориш.



4 расм. Темир йўл юклари автоматлаштирилган боғхона назоратининг тақсимланган дастурий мажмуаси маълумотлар базаси


Боғхона органларига темир йўлларда ташилувчи юклар тўғрисида олдиндан тақдим этилган электрон хабарларга хизмат кўрсатиш вақтини аниқлаш алгоритми ушбу босқичдаги техник вақтни ҳисоблаш формуласи билан аниқланганда ва моделлаштириш учун дастлабки маълумотни тайёрлаш жараёнида олдиндан ҳисоблаб чиқилмаган ҳолларда ишлайди.

Хабар агрегатининг - t_{xk} хизмат кўрсатиш вақтини аниқлаш алгоритми 5 расмда келтирилган. Алгоритм хабарнинг хизмат кўрсатиш имкониятини таҳлил қилиш билан бошланади.

Моделлаштириш тизимининг асосий версиясида “ягона” хабарлар билан хизмат кўрсатиш усули қўлланилиши тақлиф этилади (1 оператор). Хабар пакетига хизмат кўрсатиш усулини жорий этиш имкониятини таъминлаш керак.

Алгоритмнинг дастлабки қадамида ягона хабарларга хизмат кўрсатишда агрегатнинг хизмат кўрсатиш вақтини аниқлаш сабаби таҳлил этилади. Агар хабарларга хизмат кўрсатиш агрегати ўзгармас $t_{xk} = const$ бўлса, у ҳолда хабарларга хизмат кўрсатишнинг ўртача хизмат кўрсатиш вақти - $t_{xk.spi}$ қабул қилинади, кўрсатилган маълумотлар майдони агрегати $t_{xk} := t_{xk.spi}$ (2,3,4 операторлар).

Агар агрегатлар билан хабарларни хизмат кўрсатиш муддати формулалар ва бошқа боғлиқликлар (шартлар) ёрдамида аниқланса, у ҳолда операторларни (5,6,7 операторлар) аниқлаш учун стандарт қоидалар тўплами қўлланилади.




5 расм. Агрегат хабарларини хизмат кўрсатиш вақтини аниқлаш алгоритми

Диссертациянинг тўртинчи «**Темир йўл юклари назоратининг тақсимланган ахборот алмашиш дастурий мажмуаси**» бобида божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ва маълумотларини қайта ишлашни автоматлаштиришнинг такомиллаштирилган тизими тавсифи келтирилган. Бундан ташқари инвойс маълумотларини божхона юк декларацияси тизими билан интеграциясини таъминлаш мақсадида дастурий восита ва маълумотлар оқимини тўғри ташкил этиш ва қайта ишлаш учун оптимал маълумотлар базасига бағишланган.


Тизимдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида божхона назорати остида олиб кириладиган ва транзит товарлар бўйича маълумотларни қайта ишлаш ягона такомиллаштирилган маълумотлар базасини яратиш ва таҳлил қилишга қаратилган.

Темир йўл тизими томонидан тақдим этиладиган СМГС маълумотлари ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ИНВОЙС маълумотлари божхона юк декларациясини расмийлаштиришда муҳим ҳисобланади. Бажариладиган тадқиқот ишида ушбу маълумотларни интеграцияси таъминланган ва амалиётга тадбиқ қилинган. Интеграллаш жараёнида маълумотларни қайта ишлаш имконияти ишлаб чиқилган (6 расм).



6 расм. Божхона юк декларацияси(БЮД)нинг расмийлаштириш жараёни

Божхона назорати талабларидан келиб чиқиб, тўлиқ тўлдирилган электрон БЮД тизим орқали текширилади ва хато камчиликлари батафсил келтирилади. Хатолар бартараф қилингандан кейин «XML» ёки «pdf» форматга экспорт қилинади. Экспорт қилинган файл темир йўл пости инспектори орқали кўздан кечирилади ва ДБҚнинг «Электрон божхона расмийлаштируви» автоматлаштирилган ахборот тизими (ЭБР ААТ) тизимига юкланади. Темир йўл юкларини божхона назоратини расмийлаштириш жараёнида тизим автоматик равишда мувофиқлаштирилади.



7 расм. Темир йўл юкларини божхона назорати жараёнларининг дастурий мажмуаси тузилмаси

ХУЛОСА

«Тақсимланган компьютер тармоқларида темир йўл юклари назоратининг ахборот алмашинуви алгоритмлари ва дастурий мажмуаси» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Темир йўлларда ташилувчи юкларнинг божхона назорати тамойиллари ва технологик жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда юк назоратининг ахборот алмашиш модели ва инфратузилмасидаги маълумотларга ишлов беришнинг функционал модели божхона юк декларацияларини расмийлаштириш учун сарфланадиган вақтни тежаш имконини берди.

2. Кўп поғонали тақсимланган божхона назорати тармоқланган ахборот алмашинуви тизимида ахборот оқимини мувофиқлаштириш алгоритмлари, ҳудудий терминалларда юклар ҳаракатининг маълумотлар базаси ҳудудий божхона постларида юклар назорати мониторингини ўтказиш имконини берди.

3. Темир йўл юк маълумотларининг электрон божхона юк декларация ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизими билан интеграциясини таъминлаш алгоритми темир йўл транспорти орқали божхона ҳудудига кириб келаётган юклар ҳақида олдиндан маълумот олишга хизмат қилди.

4. Темир йўлларда ташилувчи юклар божхона назорати маълумотлар базасини яратиш, божхона юк декларация ҳужжатларини масофадан онлайн расмийлаштириш технологик жараёнларини автоматлаштириш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси божхона юк декларацияларини расмийлаштириш жараёнларини самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

5. Темир йўлда ташиладиган юклар бўйича божхона ахборотларини тўплаш, қайта ишлаш, божхона статистикасини шакллантириш, маълумотларнинг факторли таҳлилини олиб бориш ва бир нечта тизимларни интеграциялаш дастурий воситасининг Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси “Тошкент юк саройи” божхона постига жорий қилиниши божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ва божхона органларига тақдим этишда сарфланаётган вақт миқдорини 25-30 % гача қисқартириш имконини берди.

6. Темир йўлларда ташилувчи юкларни расмийлаштиришда марказлашган маълумотлар базасини яратиш орқали декларациялаш жараёнини самарали ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси «Қарши темир йўл» ва «Чуқурсой» ТИФ божхона постларига жорий қилинган ва божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ва божхона органларига тақдим этишга кетадиган вақт сарфини қисқартириш ҳисобига меҳнат самарадорлиги 1,27 бараварга ошириш имконини берди, ҳамда божхона юк декларацияларини брокерларга мурожаат қилмасдан расмийлаштириш натижасида бир иш кунини 0,8 иш кунига қисқартиришга хизмат қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

УСМОНОВ ЖОНИБЕК ТУРДИКУЛОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНЫЕ КОМПЛЕКСЫ ОБМЕНА
ИНФОРМАЦИИ КОНТРОЛЯ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ ГРУЗОВ В
РАСПРЕДЕЛЕННЫХ КОМПЬЮТЕРНЫХ СЕТЯХ**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Т448.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Рахматуллаев Марат Алимович
доктор технических наук, профессор
Ҳакимов Муфтох Хамидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.
(протокол рассылки № _____ от « ____ » _____ 2019 года.)

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Х.Н. Зайнидинов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире пристальное внимание уделяется организации таможенного контроля в процессе перевозки грузов через железнодорожных транспортов с помощью информационно – коммуникационных технологий, дистанционному оформлению в электронном виде накладных и декларационных документов, автоматизированным методам предоставления их через компьютерные сети и системы с расстояния контрольным пунктам, а также совершенствованию систем управления процессами анализа информационных документов. «Согласно информации мировой железнодорожной ассоциации, если в 2015 году количество перевезённых грузов в мире через железнодорожных линий составляло 884,4 млрд. тонн, то этот показатель к 2016 году достигло 991,9 млрд. тонн, то есть выросло на 12,2 % ».¹ В данном направлении в развитых странах, в частности Южной Кореи, Китае, Польше, Российской Федерации, Азербайджане, Казахстане и в других странах установлен эффективного таможенного контроля грузов внешнем торговом обороте, онлайн оформление декларационных документов с расстояния и разработка методов автоматизации предоставления таможенным постам имеет важное значение.

По всему миру проводятся научно-исследовательские работы направленные на дистанционное онлайн оформление деклараций таможенных грузов, разработку математической модели многоуровневого таможенного контроля над грузами, созданию многоступенчатой базы данных и автоматизации процессов таможенного контроля. В этой сфере возникает необходимость обоснования разработки методов выявления таможенных рисков на основе контрольных данных и оформления декларации таможенных грузов железнодорожной системы, разработка метода управления процессами контроля, информационной модели процессов контроля грузов и функциональной модели обработки данных таможенного контроля железнодорожных грузов.

В нашей республике проводятся широкомасштабные меры по разработке методов моделирования процессов создания многоступенчатого, распределенного программного комплекса, обработка данных дистанционно оформлению за короткое время деклараций таможенных грузов и предоставить их за короткое время в таможенный контроль грузов. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в частности были поставлены следующие задачи «... дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»². Одним из важных вопросов является реализация этих задач, в том числе создание структуры информационно – коммуникационных

¹ <https://uic.org/statistics>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

технологий таможенных органов в автоматизации контроля грузов, функциональной и информационной модели обработки данных многослойного распределенного таможенного контроля, специализированного математического обеспечения и программного комплекса, ориентированного совершенствованию методов управления информационными потоками.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 3 ноября 2017 года № ПП-3351 «О мерах по дальнейшей либерализации внешнеторговой деятельности и поддержке субъектов предпринимательства», от 6 февраля 2018 года № ПП-3512 «О мерах по дальнейшему упорядочению перемещения товаров физическими лицами через таможенную границу», от 12 апреля 2018 года № ПП-3665 «Об организации деятельности органов государственной таможенной службы Республики Узбекистан» а также во всех нормативно-правовых актах касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетного направления развития науки и технологий Республики IV.«Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Ряд научных и практических результатов были получены при изучении методов создания многоуровневого распределенного программного комплекса оформления и предоставлении таможенным органам электронных декларационных документов, перевозимых грузов по железнодорожной линии. В том числе среди зарубежных ученых были рассмотрены работы - Х. Ронг, Т. Яо-Хуа, Х. Фрэнк, А. Стефан, Т. Кристофер, Т. Ашуттош, С. Андрей, Б. Кевин, К. Селина, А. Флищ, П. Афонин, П. Пашко, И. Сальников, Ю. Малшенко, П. Писна, В. Шавшина, К. Сизова, Р. Кисс, Е. Никитина, И. Арлюкова, Е. Кановская, С. Гамидуллаев, П. Копанева, Е. Цветкова, А. Ершов и других. В Узбекистане в сфере организации деятельности таможенных органов С.Арипов, С.Гуломов, А.Саидов и другие ученые внесли достойный вклад в разработку методов и алгоритмов по совершенствованию системы моделирования, оптимизации и автоматизированного управления процессом таможенного контроля железнодорожных грузоперевозок.

Однако, в настоящее время проблемы интеграции систем таможенного контроля и методов автоматизации процессов обработки, оформления грузовых документов, предоставляемых с расстояния для таможенного контроля грузов перевозимых по железнодорожной линии с помощью компьютерных систем и информационно-коммуникационных технологий в достаточном уровне не изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где

